

O'zbekiston Respublikasi Respublika Uzbe  
Auditorlik tashkiloti OOO "PERFECT AU  
rue: 2020 8000 6040 9219 7001  
«Халқбанк» Чиланзарский филиал Bankl  
Toshkent sh. Chilonzor 11-11-26  
Tel: 78 144-94-92, 98 121-45-00  
Faks: 71 279-86-61



IT " MCHJ Auditorская организация  
3000 6040 9219 7001  
DT «Xalqbank» Chilonzor bo'limi GK  
136 MFO: 00825 INN: 203 469 136  
г.Ташкент, Чиланзор 11-11-26  
Тел: 78 144-94-92, 98 121-45-00  
Факс: 71 279-86-61

17.05.2022 йил

Тошкент ш.

## Жиззах Марказий дехкон бозори Акциядорлик Жамияти раҳбарига

### МУСТАҚИЛ АУДИТОРНИНГ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ.

#### Аудиторнинг фикри:

Биз Жиззах Марказий дехкон бозори акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сийёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар Жиззах Марказий дехкон бозори акциядорлик жамиятининг 2021 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг Миллий стандартларига мувофиқ туғри ва ҳаққоний тузилган.

#### Фикр билдирини учун асос:

Биз аудитни, аудит бўйича халқаро стандартларга (АХС) мувофиқ ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз, ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз олган аудиторлик далиллар фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз. Биз 2021 йил 31 декабр ҳолатига захира ва асосий воситаларни йўқламадан утказиш жароёнида қатнашмадик.

#### Мустақиллик:

Биз жамиятдан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг (БХАСК) "Профиссионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, ҳамда ушбу талабларга ва БХАСК Кодексида белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз.

#### Аудитнинг муҳим масалалари:

Аудитнинг муҳим масалалари ушбу масалалар, бизнинг профиссионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

**Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги:**

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва ҳатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият, корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корxonанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларни текшириш учун аудиторнинг жавобгарлиги: Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида аке эттириш. Ақлли ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иктисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритамиз ва профессионал скептицизмни қўллаймиз. Бундан ташқари биз қуйидагиларни бажарамиз:

- фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини оламиз. Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик rischi хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик riskидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, касддан хато қилиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи ҳатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкин;
- корxonанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тарғиб-тамоилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади<sup>4</sup>;
- қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳолаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, корxonанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа тўғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса қиламиз. Агар биз муҳим ноаниқликлар мавжуд деган ҳулосага келсак, аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратамиз ёки ноаниқликларни ёритиб бериш имкони бўлмаса аудит фикрини ўзгартирамиз. Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади. Келажакдаги воқеа ва ҳодисалар корхона фаолиятининг узлуксизлигига таъсир этиши мумкин.
- биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этилишини баҳолаймиз.

Биз Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан аудитни режалаштириш, аудит ўтказиш вақти ва аудитда аниқланган муҳим камчиликлар, шу жумладан аудит давомида аниқланган ички назоратдаги ҳар қандай камчиликлар тўғрисида алоқа қиламиз.

Биз шунингдек Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг муस्ताқиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг муस्ताқиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.


Биз Корпоратив бошқарув учун маъсул шахсларга хабар қилинган масалалардан жорий давр молиявий ҳисоботи аудитида энг муҳим ва аудитнинг асосий масалаларини аниқлаймиз. Биз ушбу аудитнинг асосий масаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан тақиқланган ҳоллар бундан мустасно, ёки биз камдан-кам ҳолларда ушбу масалаларни ошқор қилмаслик керак деган хулосага келамиз. Чунки бундай ахборотнинг салбий оқибатлари ижобий оқибатидан ошади деб тахмин қилиш мумкин.

АТ «PERFECT-AUDIT» МЧЖ

Бош директори

Аудитор

2022 йил 17 май



С Хайдарова

М Исламов

Текширилаётган корхона ҳақида маълумот:

Номи: Жиззах Марказий дехқон бозори акциядорлик жамияти  
Юридик манзили: Жиззах вилоят Жиззах шаҳри М Улугбек маҳалласи Тошкент кучаси 2-уй.  
Х/рақами: 20210000800503647001, Халқбанки Фориш филиалида,  
МФО 00122 ИНН: 201075201,

Аудиторлик корхонаси ҳақида маълумот:

Номи: МЧЖ "PERFECT-AUDIT" аудиторлик ташкилоти  
Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор 11-11-26  
Батафели: х рақами: 2020 8000 6040 9219 7001, "Халқбанки" Чиланзор филиалида,  
МФО 00825, СТИР: 203 469 136, ОКЕД 69202  
Аудитор: Исламов Мансур Малака сертификати № 05004 2021 йил 31 август